

Умар ва ўзини қийнаган роҳиб



13:30 / 29.12.2024 1904

Имом Байхақий, Ибн Мунзир ва ал-Ҳоким Абу Имрон ал-Жунийдан ривоят қиладилар:

«Умар розияллоҳу анҳу бир роҳибнинг олдидан ўтиб кетаётиб, тўхтади. Роҳиб чақирилди ва унга: «Бу мўминларнинг амири», дейишди.

Бас, Умар унга синчиклаб қараб чиқди. Роҳибнинг таркидунё қилиб, чарчаб-ҳориб, қийналгани кўриниб турар эди. Умар унинг бу ҳолини кўриб, йиғлади. Унга:

«Бу насроний!» дейишди.

«Билдим, лекин унга раҳмим келди. Аллоҳ аzza ва жалланинг «Амал қилувчилар, чарчовчилар. Қизиган ўтга кирурлар», деганини эсладим. Унинг чарчаб, ижтиҳод қилиб туриб, дўзахга кирганига раҳмим келди»,

деди Умар».

Залолат йўлини танлаб, ўзини беҳуда қийнаб юрган инсонга раҳми келиб, йиғлаш учун инсон ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг қалби каби буюк қалбга соҳиб бўлиши керак. Аллоҳ таолонинг Иймон-Ислоҳ деб аталмиш улўф неъматига муяссар бўлган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўзларига етган бахт-саодатнинг бошқаларга ҳам насиб этишини чин мусулмон сифатида жуда ҳам истар эдилар. Шунинг учун ҳам роҳибни кўрганларида чидаб тура олмай, йиғлай бошладилар. Атрофларидаги кишилар бу ҳақиқатни англаб етмай, ўзларича бошқача таъвил қилдилар. Улар: «Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу одамнинг насроний эканлигини билмасдан, ҳавас қилиб йиғламоқдалар», деб тушундилар. Аммо Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу унинг кимлигини билганлари ва шунча ўзини қийнагани билан иймони бўлмаганлиги учун дўзахга киришини ўйлаб йиғлаётганларини айтдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.